



Яшил макон

КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ



Бугунги кунда экологик барқарорликни таъминлаш, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва келажак авлодга соғлом мухит қолдириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб масалага айланмоқда. Жаҳон ҳамжамияти иқлим ўзгариши ва экологик муаммоларга қарши курашиш учун жиддий чоралар кўраётган бир пайтда, Ўзбекистон ҳам стратегик мақсадларини белгилаб, қатъий ислохотларни амалга оширмоқда.

Давлатимиз раҳбари атроф-мухитни муҳофаза қилиш, яшил иқтисодиётни ривожлантириш ва экологик хавфсизликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлаб келмоқда. “Ўзбекистон – 2030” стратегияси ва давлат дастурларида экологик муаммоларни ҳал этиш, чўлланишнинг олдини олиш, ҳаво ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш, шаҳар ва қишлоқларни яшил ҳудудларга айлантириш устувор вазифалар сифатида белгиланган.

2

Огоҳлантирувчи кўнғ ироқ

Ф. РАЖАБОВ,

Чирчиқ давлат педагогика университети
Туризм факультети декани, педагогика фанлари
доктори, доцент:

— “Жамият” газетасининг 2025 йил 9 январь сониди эълон қилинган Чирчиқ давлат педагогика университети профессори, педагогика фанлари доктори Умид Хўжамкуловнинг “Буюк мувозанат ёхуд тараққиёт фалсафаси ҳақида мулоҳазалар” номли мақоласида инсоният тараққиёти ва табиат ўртасидаги мувозанат ҳар томонлама, чуқур фалсафий таҳлил қилиниб, тараққиётнинг ижобий ва салбий жиҳатлари, ахборот асри ва замонавий технологияларнинг инсон ҳаётига таъсири, шунингдек, глобал экологик муаммолар ва уларнинг оқибатлари ёритилган.

Дарҳақиқат, ўтган асрдан бошлаб жаҳон аҳолиси сонининг жадал суръатлар билан ўсиши ҳамда инсониятнинг ўсиб ва янгиланиб бораётган чексиз эҳтиёжларини қондириш учун табиат бағридан унинг бойликлари аёвсиз, шиддат билан “юлиб олиними” ва бу жараёнда геосфераларга жуда катта миқдорда газсимон, суюқ ва қаттиқ ҳолатдаги зарарли чиқиндиларнинг ажратилиши натижасида Ер юзидаги табиий мувозанат бузилиб, табиат ўзини-ўзи тиклай олиш қобилиятидан тобора маҳрум бўлаётганлиги иқлимнинг глобал миқёсда исиб бориши сингари мураккаб экологик муаммолар кўзга ташланмоқда.

4



Коррупциядан холи бўлиш
учун соҳа тўлиқ
рақамлаштирилиши керак

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасида ҳуқуқий ва институционал ислохотлар тизимли амалга оширилмоқда. Коррупцияга қарши курашишга оид қонун қабул қилиниб, махсус ваколатли орган — Агентлик ташкил этилган. Ҳукумат фаолиятининг очик ва ошкоралигини таъминлаш ва масъулиятини ошириш, бюрократияни камайтириш ва давлат хизматларини соддалаштириш, коррупциянинг олдини олишга қаратилган превентив механизмлар амалиётга кенг жорий этилмоқда.

3

КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

(Боши 1-саҳифада)

Бунинг амалий тасдиғи сифатида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилмоқда. Лойиҳа доирасида ҳар йили 200 миллиондан ортиқ дарахт ва кўчат экилиб, шаҳар ва қишлоқлар яшил ҳудудларга айлантирилмоқда. Шунингдек, иқлим ўзгаришига қарши курашиш мақсадида энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи манбаларга асосланган шаҳарсозлик ривожлантирилмоқда.

Экологик муаммоларни ҳал этишда давлат билан бир қаторда фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) ҳам муҳим роль ўйнайди. Улар жамоатчилик назоратини амалга ошириш, экологик қонунчилик ижросини кузатиш, жамоатчилик фикрини шакллантириш ва давлат органлари билан мулоқот ўрнатишда фаол иштирок этмоқда. Шу билан бирга, аҳолини атроф-муҳит муҳофазасига жалб қилиш, экологик онг ва маданиятни шакллантириш орқали экологик маърифатни оширишга ҳисса қўшмоқда.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида атроф-муҳит муҳофазаси бўйи-

ча бир қатор ташаббуслар амалга оширилмоқда. Европа Иттифоқи 2050 йилга бориб углерод нейтралитетини таъминлашни мақсад қилган бўлиб, бу иқлим ўзгаришининг олдини олиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.

БМТ маълумотларига кўра, ҳар йили 10 миллион гектар ўрмон йўқ қилинади. Бу ҳудуд бўйича айрим йирик давлатлар ҳудудига тенг бўлиб, бундай катта миқёсдаги йўқотишлар экологик мувозанатга жиддий таҳдид солади ва глобал иқлим ўзгаришига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли, жаҳон ҳамжамияти ўрмонларни сақлаб қолиш ва қайта тиклашга катта эътибор қаратмоқда.

Бир триллион дарахт лойиҳаси (Trillion Tree Initiative) дунё бўйлаб 2030 йилга қадар бир триллион дарахт экишни кўзда тутаяди. Бу ташаббус иқлим ўзгаришини сустлаштириш, атмосферадаги CO₂ миқдорини камайтириш ва биологик хилма-хилликни сақлаб қолишга қаратилган. Шунингдек, “Яшил



девор” лойиҳаси доирасида Африка қитъасида Саҳара чўлининг тарқалишини олдини олиш мақсадида 8000 км узунликда дарахтзорлар барпо этилмоқда. Бу лойиҳа нафақат иқлим ўзгаришига қарши курашиш, балки маҳаллий аҳоли учун янги иқтисодий имкониятлар яратишга ҳам хизмат қилади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, яшил муҳит инсон руҳиятига

ижобий таъсир кўрсатиб, стресс даражасини камайтиришга ёрдам беради. Демак, экологик ташаббуслар фақат табиатни асраб-авайлаш эмас, балки инсон саломатлиги ва жамият фаровонлигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Дарахт экиш, яшил ҳудудлар барпо этиш каби ташаббусларни фақат давлат ёки айрим фуқаролар эмас, балки хусусий сектор ва жамоат ташкилотлари ҳам қўллаб-қувватлаши зарур. Бу эса экологик барқарорликни таъминлашда давлат ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлайди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш – фақат ҳукуматнинг вазифаси эмас, балки ҳар бир инсоннинг масъулиятидир. Шундай экан, ҳар биримиз юртимизни гуллаб-яшнаётган, обод ва экологик барқарор мамлакатга айлантиришга ҳисса қўшишимиз керак!

Элдор ТУЛЯКОВ,
“Тараққиёт стратегияси”
маркази ижрочи директори

Эркин фуқаролик жамияти:

Янги ҳуқуқий кафолатлар ва истиқбол

Муҳим қадамлардан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар киритилди, натижада фуқаролик жамияти институтлари конституциявий мақомга эга бўлди. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида давлат бошқаруви тизимини халқ манфаатлари йўлида такомиллаштириш ва жамоатчилик назоратининг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. 2021 йилда қабул қилинган 2021-2025 йилларга мўлжалланган Фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси мамлакатдаги демократик институтларни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим босқич бўлди.

Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга қаратилган демократик институционал тизим яратишга катта эътибор берилди. Жумладан, давлат томонидан фуқаролик институтларини қўллаб-қувватлаш тизимини шаффоф ва соғлом рақобат тамойилига асосланган ҳолда ташкил этиш, шунингдек, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дастурлар сама-

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда эркин ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Ушбу ўзгаришлар доирасида фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамоат бошқарувида фаол иштироки учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш механизмлари такомиллаштирилди.

радорлигини ошириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Ушбу чора-тадбирлар фуқаролик институтларининг бошқарув жараёнидаги ролини сезиларли даражада мустаҳкамлади.

Мазкур ислохотларнинг мантикий давоми сифатида мамлакатда туб ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотларининг (ННТ) ролини ва аҳамиятини янада мустаҳкамлаш ҳамда жамоатчилик назоратининг самарадорлигини ошириш назарда тутовчи “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Ушбу қонун лойиҳасида куйидаги ўзгаришлар киритилиши кутилмоқда:

Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолиятига қонунга ҳилоф равишда аралашганлик учун давлат органларининг мансабдор шахсларига маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда. Бу, ўз навбатида, уларнинг мустақиллиги ва эркин фаолият юритишини таъминлайди.


ННТ томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жарима миқдорлари камайтирилмоқда, бу эса, фуқаролик жамияти институт-

ларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилади.

Шунингдек, қонун лойиҳасида фуқаролик жамияти институтлари томонидан жамоатчилик назорати натижаси бўйича тайёрланган якуний ҳужжатни белгиланган муддатда кўриб чиқмаслик учун мансабдор шахсларга маъмурий жавобгарлик назарда тутилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий ҳимоясини мустаҳкамлаш ҳамда жамоатчилик назоратининг самарадорлигини ошириш йўлидаги муҳим қадам бўлади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатда демократик кадриятлар, очиклик ва шаффофлик тамойилларининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади. Ушбу ўзгаришлар туфайли нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат бошқаруви жараёнларида янада фаол иштирок этиш имкониятига эга бўлади, ушбу институтларининг ривожланиши ва қарорлар қабул қилиш жараёнига таъсирини кучайтиришга ёрдам беради.

Авазбек ХОЛБЕКОВ,
“Тараққиёт стратегияси”
маркази эксперти



(Боши 1-саҳифада)

ТАЪЛИМ ВА КОРРУПЦИЯ

Таълим тизими коррупциядан холи бўлиши учун соҳа тўлиқ рақамлаштирилиши керак

Хусусан, барча давлат идораларида, шунингдек олий таълим муассасаларида комплаенс назорат тизими йўлга қўйилган. Мазкур тузилма коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўриш учун масъул ҳисобланади.

Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган ишларнинг натижадорлигини ошириш, муҳим ижтимоий масалаларга оид очиқ маълумотлар қўламини янада кенгайтириш, улардан тўсиқларсиз фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларига қатъий риоя қилган ҳолда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 ноябрда “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилиниб, Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тасдиқланган.

Қайд этилганидек, олий таълим муассасалари талабалари билим-

ларини баҳолашда мавжуд ахборот тизимлари мукамал ишлаб чиқилмаганлиги, коррупцияга қарши курашиш чоралари ҳақида хабардорлик тўлақонли эмаслиги, тизимдаги айрим тартиблар ўз самарасини йўқотганлиги ва соҳада коррупция хавфи омиллари борлиги бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишларни тизимли йўлга қўйиш ва самарадорлигини оширишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида белгилаб берилган вазифаларнинг ижроси, коррупция хавф-хатарларини таҳлил қилиш асосида, аҳолининг кенг қатламини ушбу иллатлардан хабардор қилиш ва фуқароларнинг айниқса ёшларнинг ҳуқуқий онги, маданиятни оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, унга имконият яратувчи сабаблар, шарт-шароитлар ва оқибатларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этган-

лиги учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш каби ўта муҳим масалалар доирасида фикр-мулоҳазалар талабалар ва курсантлар даврасида доимий равишда муҳокама қилиб келинмоқда.

“Олий таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш чораларини кучайтириш мақсадида “комплаенс назорат” (compliance control) тизимини жорий этиш, жумладан, профессор-ўқитувчилар ва бошқа ходимларининг юриш-туриши, шунингдек улар фаолиятида коррупцияни олдини олишга қаратилган намунавий касбий деонтологик талаблар тизимини ишлаб чиқиш жараёнларини жадаллаштириш зарур”лиги ҳақида таъкидлаб ўтишимиз жоиздир.

Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирларига оид фармон 1 иловаси “Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024-йилларга мўлжалланган давлат дастури”нинг 19 бандида “Олий таълим муассасалари фаолиятида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадор-

лигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш ҳамда НЕМИС ахборот тизими орқали аноним сўровнома ўтказиш йўли билан олий таълим муассасаларининг ҳар йилги коррупцияга қарши курашиш рейтингини аниқлаш амалиётини йўлга қўйиш ва Рейтинг натижалари бўйича салбий кўрсаткич қайд этган олий таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва ижрога қаратиш”; Шу жумладан 25 банди “Ёшларда коррупцияга нисбатан тоқатсиз муносабатни шакллантириш ва Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари вакиллариининг ёшлар билан учрашувларини ташкил этиш юзасидан йиллик режа-жадвални ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш” юзасидан қўйилган вазифалар барча олий таълим ва олий ҳарбий таълим муассасаларида йўлга қўйилиб, ўз самарасини кўрсатиб келмоқда, десак муболаға бўлмайди.

Алишер ИКРАМОВ,
Жамоат хавфсизлиги
университети доценти.
Бехзод МИРВОҲИДОВ,
магистратура тингловчиси



Огоҳлантирувчи кўнғирок

Бекзод ХОДЖАЕВ,
педагогика фанлари доктори,
профессор:

— Профессор Умид Хўжамқуловнинг “Буюк мувозанат ёхуд тараққиёт фалсафаси ҳақида мулоҳазалар” номли мақоласини ўқиб чиқиб, олимнинг XXI аср педагогикасининг ривож кўп жиҳатдан таълим ва тараққиёт фалсафасига боғлиқ эканлиги ҳақидаги хулосага келдим. Мақолада кўтарилган масалалар педагогиканинг ҳам илмий муаммоси саналиб, Вальдорф педагогикаси, глобал таълим, ахборот истеъмоли маданияти, герменевтик ва синергетик педагогика бўйича тадқиқотлар олиб бориш зурурлигини кўрсатади. Аслида табиатда ҳам жамиятда ҳам “ночизиқ ҳаракатланиш” хос бўлиб, айниқса мақола мазмунида акс этган ёшларнинг “алдамчи жилвалар” қурбонига айланишининг олдини олишга қаратилган тарбия жараёнига синергетик ёндашувни татбиқ этишга айна пайтда жиддий эътибор қаратиш зарур. Мувозанатни таъминлаш учун “бифуркация” нуқтасини топа олиш, ўзаро мураккаб муносабатларга киришувчи тизимларнинг ўз-ўзини ташкиллай олишига эришиш муҳим саналади. Бир сўз билан айтганда, мақолада юқорида баён этиб ўтган

илмий йўналишларнинг ҳамма учун оддий ва тушунарли талқини “матн тагидаги маъно” тарзида берилган десак, хато бўлмайди.

Раҳматулла МУСУРМОНОВ,
педагогика фанлари доктори,
доцент:

— Мақолада кўтарилган муаммолар инсониятнинг яшаб қолиши учун нақадар долзарб, шу билан бирга ечимини топишнинг ўзи ҳам бекиёс муаммо. Нима бўлганда ҳам мақола табиийликни сақлаб қолишдан, табиат қонунларига даҳл қилмасликдан инсоният манфаатдор эканлигини ёдимизга солади. Қолаверса, жамият тараққиётида ҳам олтин меъёрни сақлаш жуда зарур эканлигига эътиборимизни қаратади. Ҳалокатга олиб келадиган тараққиёт кимга ва нимага керак? Мақола инсоният тақдирига нисбатан қуюнчақлик ҳарорати билан ёзилган. У Замон ва Макон муаммолари тўғрисида бефарқ бўлмасликка даъват этади, ўқувчисини чуқур ўйга толдиради.

Шахло ҚУРБОНОВА,
Оқдарё туманидаги 23-мактаб
ўқитувчиси:

— Мақола бугунги кунимиз учун долзарб, жамиятдаги барча ёшдаги инсонлар учун керакли мақола бўлибди. Менинг фикримча, бу мақолани ҳамма ўқиш шарт. Негаки

биз инсонлар орқасидан кувадиган тараққиёт, орзу-ҳаваслар ўзимизни “фаровонлик балоси” деган ҳалокатга йўлиқтирмоқда. Буюк мувозанат соҳиби бўлган Аллоҳнинг мувозанатига нисбатан аралашувлар инсонни муқаррар фалокатга олиб бориши оддий, содда далиллар билан баён этилган. Дарҳақиқат, инсон табиатни ўзгартириб эмас, у билан уйғун яшаганина, буюк мувозанатни ўзгартиришга интилмаса унинг ҳаёти ўз-ўзидан мўътадиллашади. Бу инсониятнинг ирсиятга, генетикага, табиат мувозанатига аралашуви кўрқинчли оқибатларга олиб келиши ҳақида жиддий огоҳлантиришдир. Биз келажак авлодларга қандай жавоб берамиз? Уларга нимани мерос қолдираамиз? Уларни ҳалокат сари элтувчи сунъий, сохта неъматлар — шуми бизнинг ақл-идрокимиз маҳсули. Ўйлайманки, мақолани ўқиган ҳар қандай виждонли одам ўйга толади, инсониятнинг қандай ҳалокат сари юз тутаетгани ва бунинг асосий айбдори ўзимиз, яъни инсон омили эканини чуқур ҳис этади. Азизилар, биз фитратан мусулмонмиз, муаллифнинг муқобил тараққиёт ҳақидаги фикрларига қўшиламан, ҳозирги аҳволимизда энг тўғри йўл шу, деб баралла айта оламан.

(Боши 1-саҳифада)

Мақола муаллифи жамият ривожланишининг табиатга салбий таъсири оқибатида содир бўлаётган табиий ҳодисалар олидида инсониятнинг ожизлигини уқтиради ва “қачондир инсоният бу оқибатларнинг мудҳиш интиҳосига дуч келади, аммо унда кеч бўлади” дея жамиятга “огоҳлантирувчи кўнғирок” беради. Энг асосийси, инсоният келажаги бу каби муаммоларга оптимал ечим топа олиши билан бевосита боғлиқлигидир. Шу боис, муаллиф қадриятларга таянган ҳолда табиатга оқиллона муносабатда бўлишга ҳамда тараққиёт жараёнида мувозанатни сақлашга чақириғи бугунги куннинг энг долзарб мавзуси десак, алсо муболаға эмас.

Ушбу мақоладан олган таассуротларим асосида айтишим мумкинки, унда муҳокама қилинган муаммо табиат ва жамият келажагига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсонни чуқур мушоҳадага ундаши аниқ.

Қутлов

Давлат кадастрлар палатаси Тошкент вилояти бошқармаси

барча юртдошларимизни яшариш
ва янгилаш айёми —
Наврўзи олам
билан муборакбод этади.



“Оловлар юрти — Озарбайжон”

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Оловлар юрти — Озарбайжон” китоби тақдими бўлиб ўтди. Халқаро мавзуларда узок йиллардан буён қалам тебратётган моҳир сиёсий шарҳловчи, журналист, “Олтин қалам” Миллий мукофоти учун халқаро танловнинг илк совриндорларидан бири Шарофиддин Тўлаганов ушбу китобида Озарбайжонга амалга оширган сафарлари давомида олган таассуротлари билан ўртоқлашиб, Озарбайжон тарихи ва бугуни ҳақида маълумот беришга ҳаракат қилган.

Китоб тақдими Озарбайжоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси қошидаги Ҳайдар Алиев номли Маданият маркази ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан ташкил қилинди. Маълумки, Озарбайжоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси қошида Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданияти маркази ҳар йили ўзбекистонлик журналистлар учун Озарбайжонга пресс-тур ташкиллаштиради. Шарофиддин Тўлаганов ана шу сафарлар давомида олган таассуротларини жамлаган ҳолда ушбу китоб дунё юзини кўрди. Тадбирда сўз олган Озарбайжоннинг Ўзбекистондаги фавқуллоҳда ва мухтор элчиси Ҳусайн Гулиев, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори, сенатор Абдусайд Кўчимов, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Умида Тешабоева ушбу китоби икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкамланишига хизмат қили-

шини алоҳида таъкидлашди.

Сўзга чиққанлар эътироф этишганидек, дунёда тили, урф-одатлари, маданияти, ҳатто ташқи кўриниши жиҳатидан бир-бирига ўхшаб кетадиган миллат ва элатлар кўп. Ўзбек ва озарбайжон халқларини ана шулар қаторига бемалол қўша оламиз. Сухбатлашса ўртага тилмоч керак эмас. Улар бир-бирининг юртига меҳмонга борса ўзларини бегона ҳис қилмайди. Феъл-атвори, инсонийлиги ва меҳнатқашлиги ўхшаб кетади. Ўхшашлик эса кўнгилларни яқин қилаверади. Бу икки буюк халқни асрлар мобайнида бир-бирига боғлаб келган ришталар бисёр. Халқларимизнинг муштарак ёдгорлиги ҳисобланмиш “Авесто”, “Ошиқ Ғариб”, “Тўрўғли” сингари қадимий ёдгорликлар азалий қардошлиқ, дўстлик ва биродарликнинг ёрқин исботидир. Ўзбек мақомлари ва Озарбайжон муғомлари орасидаги ҳамоҳанглик ҳар икки халқ ўртасидаги яқинликни ўзида ифодалайди. Назм мулкининг сул-

тони Ҳазрат Мир Алишер Навоий буюк Шарқ мутафаккирларидан бири Низомий Ганжавийни ўз устозларидан бири сифатида эътироф этган. Ўз навбатида, Муҳаммад Фузулий Ҳазрат Навоийнинг издошларидан саналади.

Давлат раҳбарларининг мунтазам учрашувлари ва сиёсий иродаси туфайли Ўзбекистон – Озарбайжон ўртасидаги кенг қамровли муносабатлар янада мустаҳкамланиб, сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик юқори босқичга кўтарилди. Китобда оловлар юрти – Озарбайжон ва Ўзбекистоннинг барча соҳалардаги ҳамкорлиги муаллиф тилидан содда услубда баён этилган.

Моҳир шарҳловчининг ушбу тўплами тили, дини, тарихи бир бўлган икки халқ зиёлилари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда янги саҳифа очиши билан бирга туркий давлатлар доирасидаги алоқаларни янада яқинлаштришда муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, бу Шарофиддин Тўлагановнинг биринчи китоби эмас. Унинг миллатимиз тақдирига дахлдор кўплаб долзарб мақолалари, журналистлик материаллари жамоатчиликка яхши таниш. Ш. Тўлаганов чин ватанпарвар, маърифатнинг ҳақиқий тарғиботчиси, жонкуяр ижодкор эканлигини янги тўплами яна бир бор исботлайди.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ

ҲУҚУҚИНИ БИЛГАН ЮТҚАЗМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига кўра, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгуналарига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Оила кодексининг 96, 100-моддаларида, ота-онанинг вояга етмаган болаларига, шунингдек, вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот бериши шартлиги белгиланган.

Алимент ота-онанинг бирининг аризаси ёки даввоси билан, агар бошқа ота (она) вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини бажармаган ҳолатларда суд тартибида (суд буйруғи ёки суднинг ҳал қилув қарори билан) ундирилади.

Иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромад етарли бўлмаганда, алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг банклар ва бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисобварақларида турган пул маблағидан, тижорат ва тижоратчи бўлмаган ташкилотларга шартнома

асосида ўтказилган пул маблағидан ундирилади, мулк ҳуқуқининг ўтишига олиб келувчи шартномалар бундан мустасно. Бу маблағ етарли бўлмаганда ундириш алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг қонун бўйича ундириш қаратилиши мумкин бўлган ҳар қандай мол-мулкига қаратилади.

Алимент тўлаши шарт бўлган шахс доимий яшаш учун ёки уч ойдан ортқ муддатга чет давлатга кетаётганида қонунга мувофиқ ўзи таъминот бериши лозим бўлган алимент олувчилар билан алимент тўлаш

тўғрисида келишув тузиши шарт.

Алимент тўлаш тўғрисида келишувга эришилмаган тақдирда манфаатдор шахс алимент миқдорининг пул билан тўланадиган катъий суммада белгиланиши ва алиментни бир йўла тўлаш тўғрисида ёки алимент эвазига муайян мол-мулкни бериш ёхуд алиментни бошқа усулда тўлаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Вояга етмаган болалар таъминоти учун алиментлар олдиндан тўланган ёки алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш учун гаров шартномаси тузилган бўлса, шахс алимент тўлаш тўғрисида келишув тузиш мажбуриятидан озод этилади.

Алиментлар суммасини олдиндан тўлаш ёки алиментлар тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров тақдим этиш фақат қарздор-

нинг алимент тўловларидан қарздорлиги мавжуд бўлмаганда амалга оширилади.

Алиментларни олдиндан тўлаш ёки алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш учун гаров шартномасининг тузилиши давлат ижрочиси ёки суд томонидан қарздор жисмоний шахснинг илгари белгиланган Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашни олиб ташлаш учун асос ҳисобланади.

Ижро ҳужжатларининг алиментлар ундириш ҳақидаги талаблари дарҳол ижро этилади. Ихтиёрий равишда ижро этиш учун давлат ижрочиси томонидан белгиланган муддатнинг ўтганлиги мажбурий ижро этиш чораларини қўллаш учун асос бўлади.

Д. ТЎРАЕВА,
ФИБ Беруний туманлараро судининг судьяси



«ЎРМОН ВА ЯЙЛОВ ЭКОТИЗИМЛАРИНИ САҚЛАШ ВА УЛАРНИ БАРҚАРОР БОШҚАРИШ»

“Ўрмон экотизимларини сақлаш ва уларни барқарор бошқариш: маҳаллий ҳамжамиятлар билан ҳамкорлик ва бошқарув режаларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги давра суҳбатлари туркуми доирасида 2025 йил 18 март кун Бухоро шаҳрида иккинчи тадбир бўлиб ўтди.



Ушбу учрашув Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ва Глобал экологик фонднинг “Орол денгизи хавзаси ландшафтининг таназзул ерларида барқарор ҳаётни таъминлашни қўллаб-қувватлайдиган асос сифатида қўллар, сув-ботқоқ ва кирғоқбўйи ҳудудларини сақлаш ҳамда бошқариш” (The Aral sea wetlands) қўшма лойиҳасини амалга ошириш доирасида бўлиб ўтди.

Лойиҳанинг асосий мақсади Қуйи Амударё ва Орол денгизи хавзаларида экотизимлар барқарорлигини ва ҳаёт манбаларини яхшилашдан иборат. Шу мақсадда тупроқ деградациясининг олдини олиш ҳамда муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, биохилма-хилликнинг асосий ҳудудлари ва муҳим орнитологик ҳудудлар атрофидаги самарали ландшафтларнинг ер ва сув ресурсларини комплекс бошқариш орқали

экотизимлар жамланган. Кенг Қизилқум чўлидан то дарёлар бўйлаб жойлашган нозик тўқай ўрмонларига ҳама бўлган ушбу ҳудудлар биохилма-хилликни сақлаш, сув ресурсларини тартибга солиш ва яшаш учун воситаларни таъминлашда муҳим ўрин тутди. Бироқ, ушбу экотизимлар олдида жиддий ва ўзаро боғлиқ муаммолар турибди.

Иқлим ўзгариши ва ердан фойдаланишда беқарор амалиёт боис қурғоқчиллашув, минтақа экотизимларининг усиз ҳам нозик мувозанати янада ёмонлашиш хавфи остида. Орол денгизи инқирозининг оқибатлари — тузга тўйинган унинг чангли бўронлари ва сув ресурсларининг та-

гача мўлжалланган Барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибини амалга ошириш бўйича мажбуриятларини ўз зиммасига олди. Барқарор ривожланиш мақсадларининг (БРМ) 15.3-мақсади қурғоқчиллашув ва ер таназзули муаммоларига қаратилган бўлиб, 2030 йилгача ер таназзулидан холи дунёни яратишга йўналтирилган.

Давра суҳбатининг мақсади маҳаллий аҳоли, ўрмон хўжалиги корхоналари ходимлари ва давлат органлари вакиллари суҳбаткорлари ва ўрмон экотизимларини сақлаш муҳимлиги ҳақида хабардорлик даражасини ошириш, шунингдек, ўрмон экотизимларини сақлаш ва улардан фойдаланишни яхшилаш бўйича чора-тадбирларни муҳофаза қилишдан иборат.

“Ўрмон экотизимларини сақлаш ва барқарор бошқариш: маҳаллий ҳамжамиятлар билан ўзаро ҳамкорлик ва бошқарув режаларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги мана шундай давра суҳбатларини доимий ўтказиш маҳаллий ҳамжамиятлар ва манфаатдор томонларнинг ўрмонларни бошқариш режаларини ишлаб чиқиш жараёнига жалб этишни таъминлайди. Айтилган “The Aral Sea Wetlands” лойиҳасини амалга оширишнинг барча босқичларида самарали мониторинг ва тараққиётни муҳофаза қилиш учун шароитларни шакллантиради.

Қобил СОҚИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Экология, атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш ва иқлим
ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги
“Aral Wetlands” лойиҳасининг
коммуникация бўйича
мутахассиси



эришилади.

Тадбирда Бухоро вилояти жамоат ташкилотлари раҳбарлари, тегишли идоралар ва халқаро ташкилотлар ходимлари, “The Aral sea wetlands” лойиҳаси вакиллари (ҳодимлар ва экспертлар) ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг Орол денгизи хавзасида жойлашган ҳудуди қурғоқчил ва ярим қурғоқчил зоналарнинг уйғунлигидан иборат бўлиб, унда ноёб ва ҳаётим муҳим

наззули, минтақага, айниқса Бухоро вилоятини ҳам ўз ичига олган Орол бўйи ҳудудидаги яйловларга катта таъсир кўрсатмоқда. Бу ерда аҳолининг озиқланиши кўп жиҳатдан чорвани боқишга боғлиқ. Бир вақтлар дарё водийларида устунлик қилган ҳаётим муҳим тўқай ўрмонлари эса кескин қисқариб, биохилма-хиллик ва экотизим барқарорлигига таҳдид солмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати 2030 йил-



ТАШАББУС, РАЎБАТ ВА НАТИЖА

Муассис:

Ўзбекистон

Республикаси

Экология,

атроф-муҳитни

муҳофаза қилиш

ва иқлим

ўзгариши

вазирлиги

Таҳрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ

Акмал САИДОВ

Ақтам ҲАЙИТОВ

Камолиддин

ИШАНХОДЖАЕВ

Даврон ВАҲОБОВ

Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир

Мақсуд

ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа

акциядорлик компанияси

босмахонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.

Буюртма рақами Г-310

Адади: 1600

Пайшанба куни чиқади.

Қоғоз бичими А-3,

ҳажми 2 босма табок.

Баҳоси келишилган нархда.

Газета Ўзбекистон

матбуот ва ахборот

агентлигида

2006 йил 0010-рақам билан

рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик

жиҳатдан сифатли чоп

этилишига “Шарқ”

нашриёт-матбаа

акциядорлик компанияси

масъул.

Маълумот учун

телефонлар:

99-994-70-52

98-111-48-29

Реклама ва эълонлар учун:

Электрон почта:

jamiyat@umail.uz

Газета индекси – 131

“ЖАМИЯТ”дан олинган

маълумотларда манба

сифатида газета номи

кўрсатилиши шарт.

Топширилган вақти: 20:00

1 2 3 4 5 6

Жамоат фонди 2024-йилда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, коррупцияга мурасиз муҳитни шакллантириш ҳамда таълим, тиббиёт, экология, қурилиш, транспорт, коммунал хўжалиги, бандлик, ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва бошқа соҳаларнинг энг долзарб муаммолари ечимига қаратилган лойиҳа ва ташаббусларни қўллаб-қувватлади.

Давлат бюджетидан ажратилган жами **1 трлн. 272 млрд. 219 млн. 400 минг сўм** маблағдан Парламент комиссиясининг қарори билан 929 млрд. 205 млн. 400 минг сўми маҳаллаларнинг бошқарув тизими фаолиятини молиялаштириш учун, 304 млрд. 14 млн. сўм давлат субсидияси шаклида, 20 млрд. сўми давлат ижтимоий буюртмаси шаклида, 19 млрд. сўми давлат гранти шаклида йўналтирилди.

Давлат субсидияси шаклида молиялаштириш дастури ижроси

2024-йилда жами 28 та фуқаролик жамияти институти давлат субсидиясидан фойдаланиб, жамият ҳаётининг турли соҳаларида фаол иштирок этди. Хусусан:

– **Жамоатчилик назорати соҳасида** жами 740 та жамоатчилик мониторинги ва 180 та жамоатчилик эшитуви ўтказилди, “Ташаббусли бюджет” доирасида 433 та лойиҳанинг амалга оширилиши ўрганилди, соғлиқни сақлаш тизимида 114 та бирламчи тиббиёт муассасасида жамоатчилик назорати, ногиронлиги бўлган шахслар учун тўсиқсиз муҳитни яратиш борасида 180 та жамоатчилик мониторинги ўтказилди. 11 028 та сайлов участкасининг 10 718 тасида жамоатчилик мониторинги олиб борилди. 60 та янги қурилиш объектининг фойдаланишга топширилиши ва 120 та янги қурилган объектларда тўсиқсиз муҳит мавжудлиги бўйича жамоатчилик экспертизаси ўтказилди.

– **Ижтимоий лойиҳалар соҳасида** 4753 нафар фуқаро касб-хунарга ўқитилиб, 321 нафарининг бандлиги таъминланди. 1000 дан ортиқ ёшлар спортга жалб қилинди. 2205 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. 62 нафар аёл касаначилик билан шуғулланиб, оилаларига қўшимча даромад олиб кирмоқда. 200 мингдан ортиқ фуқарога бепул юридик ёрдам кўрсатилди.

– **Таълим ва маърифат соҳасида** 7663 нафар фуқаро компютер саводхонлиги, чет тиллари ва касб-хунарга оид дастурлар бўйича ўқитилди. 800 дан ортиқ китоб билан таъминланган янги кутубхона қуриб битказилди. 1000 дан ортиқ китоб билан таъминланган ИТ марказ ташкил этилди. 11 та мактабда “Мирзо Улугбек” онлайн мактаблари ташкил этилди ва 255 нафар ўқувчи камраб олинди.

– **Юртимизда олиб борилаётган ислохотларни тарғиб қилиш соҳасида** 28 300 нусхада тахлилий нашрлар, 62 та видеоролик ва 35 та инфографика, турли форматда 272 та сессия, очик мулоқот, давра суҳбати, подкаст ва кўрсатувлар тайёрланди.

– **Халқаро ҳамкорлик соҳасида** 315 та халқаро тадбир ташкил этилди, 360 та халқаро ва хорижий ташкилот билан ҳамкорлик ўрнатилди ва хорижий давлатларга 47 та хизмат сафарлари уюштирилди.

– **Медиа ва ахборот соҳасида** турли форматларда 272 та тадбир ташкил этилди. 165 нафар журналист семинар-тренингларда малака оширди, 36 та сўров ўтказилди, 120 нафар талаба амалиёт ўтади, 524 та медиа контент, 3272 та пост тайёрланди. Қонун лойиҳалари юзасидан 10 мартадан ортиқ экспертлар йиғилиши ташкил этилди.

Ажратилган субсидиялар аҳолининг турли қатламларини қўллаб-қувватлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, маданият ва санъатни ривожлантириш, ахборот соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва бошқа кўплаб ижтимоий аҳамиятга молик соҳалардаги лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Давлат гранти шаклида қўллаб-қувватлаш дастури ижроси

Ҳисобот йилида 70 та устувор йўналишни камраб олган 4 та давлат гранти танловида фуқаролик жамияти институтлари 3042 та лойиҳа билан иштирок этиб, ғолиб деб топилган 102 та ташкилотнинг лойиҳалари 16 млрд. сўмга молиялаштирилди.

Аҳолининг турли қатламларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя ва таълим соҳаларида қатор лойиҳалар ишлар амалга оширилди.

Жумладан,

Маданият ва туризмни ривожлантириш доирасида Қорақалпоғистон Республикасида “Бердак” жамоат фонди томонидан Қорақалпоқ давлат музейи ҳудудида “Қорақалпоқ этно овули” ташкил этилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида Нукус шаҳрида оғир беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида шифохона хосписининг моддий-техник базасини мустаҳкамланди. Наманганда ногиронлиги бор 100 нафар шахсга дори-дармон ва ортопед маҳсулотлар етказиб берилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва касб-хунарга ўқитиш бўйича 1093 нафар фуқаро касб-хунарга ўқитилди. Уларнинг аксарияти хотин-қизлар бўлиб, улар асосан тикувчилик, қандолатчилик, сартарошлик каби йўналишларда таълим олди ва 121 нафарининг бандлиги таъминланди.

Маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш доирасида 6 та хонадонга иссиқхона қуриб берилгани 290 та хонадоннинг сув таъминоти яхшилангани, 14 та хонадонга қуёш панеллари ўрнатилгани, 8 та маҳаллада эса кўчалар таъмирлангани кабиларни алоҳида таъкидлаш мумкин.

Ҳуқуқий ҳимоя йўналишида 10 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан:

– Қорақалпоғистон Республикасида тазйиқ-қа учраган ва ёрдамга муҳтож 80 нафар хотин-қизларга психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди;

– Навоий вилоятида имконияти чекланган фуқароларнинг коррупцияга қарши курашишдаги имунитетини оширишга қаратилган 16 та семинар-тренинг ташкил этилди ва 400 нафар аҳоли ўртасида коррупсия бўйича сўровнома ўтказилди;

– Сирдарё вилоятида 280 нафар лойиҳа бенефициарларига ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатилди. Одам савдосидан жабрланган 20 нафар фуқарога тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва бандлигини таъминлашда ёрдам берилди;

– Сурхондарё вилоятида 100 нафар фуқарога бепул ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди, 40 нафар маҳалла фаоллари ва раислари одам савдоси, зўравонлик ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш бўйича ўқитилди;

– Хоразм вилоятида ноқонуний меҳнат мигратсияси қурбонлари бўлган 78 нафар шахсга ижтимоий ва психологик ёрдам кўрсатилди. Улар томонидан 50 та бизнес режа ишлаб чиқилди, 13 та янги ишчи ўринлари яратилди.

– Тошкент шаҳрида 287 нафар ёрдамга муҳтож хотин-қизларга ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатилди.

Давлат ижтимоий буюртмаси дастури ижроси

Давлат ижтимоий буюртмаси дастури доирасида фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўтказилган танловларга 57 та ташкилотдан келиб тушган лойиҳаларнинг 12 тасига 23 млрд. 250 млн. сўм маблағ ажратилди.

Ушбу лойиҳалар натижасида Яшнабод туманидаги 103-сонли ва Марғилон шаҳридаги 22-сонли мактаб-интернатининг эскирган касбий таълим устахонаси янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, тарбияланувчиларнинг турли касбларни ўрганиш имконияти яратилди. Шофиркон туманида ишлаб чиқариш сеҳи қурилиб, 20 та иш ўрни яратилди, Нарпай тумани “Муқимий” мфй ҳудудида 668 та, Оқолтин тумани “Обод”

мфй ҳудудида 4500 та, Денов тумани “Оқтом” мфй ҳудудида 415 та хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланди. Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон ва Бухоро вилоятларида 1545 нафар ишсиз фуқаро турли ўқув курсларига жалб этилди, “Kasana.uz” платформаси яратилиб, республика бўйича 15 минг хотин-қиз ўқитилмоқда. Қўқон шаҳри туғруқ комплекси қошида Репродуктив саломатлик маркази ташкил этилди, Она ва бола саломатлиги илмий амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё вилояти филиалига 10 дона замонавий қувез аппарати, Зомин, Бахмал, Ғаллаорол, Дўстлик, Фориш туманлараро ОИВ диагностика лабораторияларига автоклав ва рентген аппаратлари олиб берилди. Навоий вилоятида 16 та маҳаллада қуёш панелли чироқлар ўрнатилди.

Ушбу лойиҳалар натижасида республиканинг турли ҳудудларида кўплаб инсонларнинг ҳаёти ўзгармоқда, экология, соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик каби соҳаларда узоқ йиллардан буён ечимини кутаётган муаммолар ҳал этилмоқда, яна бир аҳамиятли томони муҳим ташаббус ва лойиҳалар нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари томонидан амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондлари орқали аҳоли ҳаётининг турли жабҳаларини яхшилашга қаратилган 190 та лойиҳани амалга ошириш учун жами 11,2 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Лойиҳалар натижасида бир қатор ижобий натижаларга эришилди, хусусан:

1. Ижтимоий самарадорлик:

– лойиҳалар доирасида ташкил этилган дастурларда 7 минг нафардан ортиқ киши иштирок этди;

– ёшларни тадбиркорликка ўргатиш орқали 245 та иш ўрни яратилди;

– ногиронлар ва эҳтиёжманд қатламларга кўмаклашиш мақсадида 456 нафар кишига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди;

– маҳаллаларда уюшмаган ёшлар ва аёллар учун касб-хунарга ўқув курслари ташкил қилинди, натижада уларнинг жамиятдаги иштироки кучайтирилди.

2. Икисодий самарадорлик:

– тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш натижасида 20 дан ортиқ янги тадбиркорлик йўналишлари, шу жумладан хунарсандчилик, кишлоқ хўжалиги ва полиграфия соҳаларида ташкил этилди;

– спорт ва маданият соҳаларида амалга оширилган лойиҳалар орқали 1030 нафар ёшлар турли тадбирларга жалб этилди, бу уларнинг саломатлиги ва ижтимоий имунитетини яхшилашга ҳисса қўшди;

– экологик лойиҳалар доирасида 1,5 гектар ер ҳудуди ва 2 км йўл бўйи яшиллаштирилди ва замонавий суғориш тизимлари ўрнатилди.

3. Таълим ва маърифат:

– 7663 нафар киши компютер саводхонлиги, чет тиллари ва касб-хунарга оид дастурлар бўйича ўқитилди;

– спорт тўғрақлари ва мусобақалар орқали ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши таъминланди.

Маълумот учун: Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 26-августдаги ПФ-124-сонли “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан қайта ташкил этилди.

Жорий йилда ҳам Жамоат фонди томонидан фуқаролик жамияти институтларининг аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш, бандлигини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа соҳалардаги ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳа ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш кўзда тутилмоқда.

*Дилларга сурур,
ўлкамизга гўзаллик
бахш этувчи*

Наврўз

кириб келди.

*Азалий қадриятлар,
эзгуликлар рамзи
бўлмиш ушбу шодиёна
тинч ва осуда
юртимизни янада
жозигага буркасин.
Хонадонлардан файзу
барака аримасин!*

**«Олмалиқ кон-металлургия
комбинати» акциядорлик жамияти
ходимлари Касаба уюшмаси Кенгаши**